ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиклаш тўгрисида

Юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин булган фаолият турлари руйхати 1-иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Белгилансинки, жисмоний шахслар 2011 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу карор билан тасдикланган Руйхатга киритилмаган фаолият турларини амалга ошириши мумкин эмас.
- 3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини руйҳатдан утказиш инспекциялари ва давлат солиқ ҳизмати органлари фаолият турлари буйича ҳусусий тадбиркорларга руҳсатномалар расмийлаштириш ва уларни давлат руйҳатидан утказишда ушбу қарор билан тасдиқланган Руйҳатга қатъий амал қилсинлар.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қумитаси, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг тахлилини хисобга олган холда, зарур холларда Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарор билан тасдиқланган Руйхатни кенгайтириш ёки ундан фаолият турларини чиқариб ташлаш буйича таклифлар киритсинлар.
- 6. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солик кумитаси бошка манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қушимчалар туррисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2011 йил 7 январь, 6-сон

Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-ИЛОВА

Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин булган фаолият турлари РУЙХАТИ

T/p	Фаолият турининг номи
I.	Чакана савдо:
1.	Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш (ўсимлик мойи ва алкоголли маҳсулотларни сотиш бундан мустасно)
2.	Дехкон бозорларида кишлок хужалиги махсулотларини чакана сотиш
3.	Ноозик-овкат товарларини чакана сотиш (нефть махсулотларининг барча
	турларини, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюм-
	лар ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмларни, кино ва видео
	махсулотларини, янги импорт автомобиллар ва фармацевтика товарларини
	сотиш бундан мустасно)
4.	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини чакана сотиш (турғун шохобча-
	ларда аралаш савдо қилиш)
5.	Товарларни импорт қилиш ва чакана сотиш*
II.	Қонун хужжатларида белгиланган руйхат буйича халқ бадиий хунар-
	мандчилиги ва декоратив-амалий санъат буюмларини тайёрлаш.
III.	Маиший хизматлар, ІІ бўлимда назарда тутилганларидан ташқари:
6.	Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва
	шунга ўхшаш бошқа хизматлар
7.	Кир ювиш, қуруқ ва кимёвий тозалашни ташкил этиш, шунингдек дазмол-
	лаш хизматлари
8.	Гилам ва гилам буюмларини таъмирлаш ва тозалаш
9.	Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларини, тўкимачи-
	лик галантереясидан тикилган буюмларни таъмирлаш ва тикиш, трикотаж
10	буюмларни тўқиш
10.	Хайвонлар терилари, мўйна, тўқимачилик, чарм буюмлар ва бошқа буюм-
11	ларни ошлаш ва бўяш
11.	Якка буюртмалар бўйича пойабзал тайёрлаш ва тикиш, пойабзални таъмир-
10	лаш, бўяш ва тозалаш
12.	Атторлик буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
13.	Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
14. 15.	Калитлар тайёрлаш
	Металл ва тунука буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш
16. 17.	Мотам гулчамбарлари, сунъий ранглар, гирлянд тайёрлаш
1/.	Тўсиқлар, ҳайкаллар, металлдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
18.	Эшик, дераза ва ёгочдан бошқа буюмлар тайёрлаш, мебелдан ташқари
19.	Инвентарни (хўжалик, спорт, баликчилик ва хоказо инвентарь) таъмирлаш
19.	ва тайёрлаш
20.	ва таиерлаш Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
21.	Мебелни йигиш ва таъмирлаш
∠1,	тисосии интиш ва тавмириаш

T/p	Фаолият турининг номи
22.	Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
23.	Якка буюртма бўйича қимматбахо металлардан ясалган заргарлик буюм-
	ларини тозалаш, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш
24.	Оптика, соатларни таъмирлаш ва ўймакорлик ишлари
25.	Радиоэлектрон аппаратлар, маиший машиналар, маиший приборлар, офис
	машиналари ва хисоблаш техникасини таъмирлаш, ўрнатиш ва уларга
26	техник хизмат кўрсатиш
26.	Транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш хизматлари-
	нинг бошқа турлари (акустик тизимлар ва қуриқлаш сигналларини таъмир-
	лаш ва ўрнатиш, ювиш, текислаш, кузовга химоя ва безак копламалари
	қоплаш, салонни тозалаш ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар)
27.	Санитария-техника хизматлари ва пайвандлаш ишлари
28.	Шиша ва ойналарни қирқиш, шишага бадиий ишлов бериш
29.	Биноларга ойна ўрнатиш хизматлари
30.	Жамоат ҳожатхоналари хизматлари
31.	Хаммом ва сауна хизматлари
32.	Турар жойларни йиғиштириш хизматлари
33.	Ховлилар ва боғларга қараш хизматлари, шунингдек кўкаламзорлаштириш
	ишлари
34.	Боғлар, полизлар ва дов-дарахтларни зараркунандалар ва касалликлардан
2.5	химоя қилиш
35.	Видеога олиш ва фотосуратга олиш хизматлари
IV.	Фаолиятнинг бошқа турлари:
36.	Миллий ширинликлар, нон-булка ва қандолатчилик буюмлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки маҳаллий давлат ҳокимияти
	органларининг қарори билан ажратилган махсус жойларда ўриндиклар
	ташкил этмасдан доналаб сотиладиган таомларнинг алохида турларини
	тайёрлаш
37.	Ўлчов воситалари тайёрлаш ва уларни прокатга бериш
38.	Қурилиш, таъмирлаш ва безаш бўйича алохида ишларни бажариш (капитал
	қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича юридик шахсларга хизмат
	кўрсатишдан ташқари)
39.	Репетиторлик хизматлари
40.	Таржима хизматлари, тахрир хизматлари
41.	
42.	Болаларнинг ўйинчоқ автоматлари билан боғлиқ хизматлар
	Ахборотнинг криптографик химояси воситаларини лойихалаш, яратиш,
	Ахборотнинг криптографик химояси воситаларини лойихалаш, яратиш, ишлаб чикариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш
43.	Ахборотнинг криптографик химояси воситаларини лойихалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Дизайн бўйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва хоказолар), шунинг-
43.	Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Дизайн бўйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек чизмачилик-графика ишлари
	Ахборотнинг криптографик химояси воситаларини лойихалаш, яратиш, ишлаб чикариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Дизайн бўйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва хоказолар), шунингдек чизмачилик-графика ишлари Компьютер дастурларини ишлаб чикиш хизматлари, компьютер ўйинлари-
43.	Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиҳариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Дизайн буйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек чизмачилик-графика ишлари Компьютер дастурларини ишлаб чиҳиш хизматлари, компьютер уйинларини ташкил этиш, шунингдек компьютер ёрдамида матнларни териш ва
43.	Ахборотнинг криптографик химояси воситаларини лойихалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Дизайн бўйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек чизмачилик-графика ишлари Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан
43.	Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиҳариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Дизайн буйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек чизмачилик-графика ишлари Компьютер дастурларини ишлаб чиҳиш хизматлари, компьютер уйинларини ташкил этиш, шунингдек компьютер ёрдамида матнларни териш ва

T/p	Фаолият турининг номи
47.	Рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш
48.	Суғурта агентлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар
49.	Тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш
50.	Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастрол-концерт фао-
	лиятини амалга ошириш
51.	Тантанали маросимларни ташкил этиш хизматлари (тўй, юбилей, туғилган
	кун ва ҳоказолар)
52.	Кўйлак ва костюмларни, шунингдек уларга аксессуарларни прокатга бериш
53.	Ижтимоий хизматлар (болалар, беморлар ва кекса кишиларга қараш
	хизматлари)
54.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шейпинг, аэробика, спорт
	секциялари, саломатлик гурухлари), тренерлик хизматлари
55.	Тўгараклар ташкил этиш ва юритиш
56.	Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
57.	Тегирмонларда донни майдалаш (тозалаш) хизматлари
58.	Мол сўйиш хизматлари
59.	Уй ҳайвонларига қараш хизматлари
60.	Ветеринария фаолияти
61.	Юкларни автомобиль транспортида ташиш
62.	Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш
63.	Ўсимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланган доривор хом ашёни
	етиштириш, йиғиштириш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотиш
64.	Гуллар ва декоратив дарахтлар етиштириш ва сотиш
65.	Аквариум балиқлари, декоратив қушлар ва бошқа ҳайвонларни кўпайти-
	риш ва сотиш
66.	Шиша идишлар ва иккиламчи хом ашёни қабул қилиш хизматлари (металл
	чиқиндиларидан ташқари)

* Товарларнинг турлари туманлар (шахарлар) хокимликлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекциялари томонидан бериладиган чакана савдони амалга ошириш хукуки учун берилган рухсатномада, шунингдек давлат солик хизмати органлари томонидан берилган тижорат фаолияти учун мулжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс булмасдан ташкил этилган якка тадбиркорнинг руйхатдан утказиш (рухсат бериш) тартиботлари варакасида курсатилади.

Изох.

Агар якка тадбиркор фаолиятнинг асосий турига нисбатан ёрдамчи хисобланган фаолиятни амалга оширса, қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг бир тури учун туланади.

Ушбу Руйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб хисобланаётган айрим қарорлари

- 1. Вазирлар Махкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўгрисида» 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 30-модда).
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида» 2002 йил 22 октябрдаги 363-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 60-модда).
- 3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарорига қушимчалар киритиш ҳақида» 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда).
- 4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектлари фақат юридик шаҳслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари руйҳатига қушимча киритиш туруисида» 2003 йил 11 мартдаги 129-сон қарори (Узбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 23-модда).
- 5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўгрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига 32-илованинг 8-банди.
- 6. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кушимчалар киритиш туррисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йуловчилар ташиш сохасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алохида турларини амалга оширишни тартибга солиш туррисида» 2006 йил 9 мартдаги ПҚ—303-сон қарори)» 2006 йил 29 майдаги 98-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 38-модда) илованинг 3-банди.
- 7. Вазирлар Маҳкамасининг «Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 65-модда) 3-илованинг 2-банди.
- 8. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўгрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини хамда ўсимлик ёги ва ёг-мой махсулотлари сотишни тартибга солиш тўгрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ—360-сон қарори)» 2007 йил 27 февралдаги 42-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 12-модда) илованинг 4-банди.
 - 9. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг

айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли махсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ—605-сон қарори)» 2007 йил 27 апрелдаги 85-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 4-сон, 21-модда) илованинг 4-банди.

- 10. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кушимчалар киритиш туррисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бахоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва курсатилаётган хизматлар учун уларнинг масъулиятини ошириш туррисида» 2008 йил 24 мартдаги ПК—843-сон қарори)» 2008 йил 12 июндаги 128-сон қарорига илованинг 1-банди.
- 11. Вазирлар Маҳкамасининг «Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шаҳс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари руйҳатига қушимчалар киритиш ту̂ғрисида (Узбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни ту̂лдириш юзасидан қушимча чора-тадбирлар ту̂ғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон қарори)» 2009 йил 7 мартдаги 58-сон қарори (Узбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 16-модда).
- 12. Вазирлар Махкамасининг «Истеъмол товарлари (хизматлар)нинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўгрисида» 2009 йил 9 июлдаги 190-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 55-модда) илованинг 1-банди.